

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**209 Ўсимлик (пахта) ёғи учун қатъий миқдорда белги-
ланган акциз солиғи ставкасини қайта кўриб чиқиш
тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
23 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2115*

(2010 йил 3 июлдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сонли «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макро-иқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 52-сон, 560-модда) 12-1-сонли иловасига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўсимлик (пахта) озиқ-овқат ёғи учун (саломас ва «Ўзбекистон» ёғини ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ёғ бундан мустасно) қатъий белгиланган акциз солиғи ставкаси қайта кўриб чиқилиб, 1 тонна учун 657900 сўм миқдоридида белгилансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 23 июнь,
50-сон